

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЯКУБОВ ФАРХОД РАДЖАБОВИЧ**

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИНИНГ ТИББИЙ - ИЖТИМОЙ  
ЖИҲАТЛАРИ ВА ХИРУРГИК ТАКТИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Якубов Фарход Раджабович**

Жигар эхинококкозининг тиббий - ижтимоий жиҳатлари ва  
хирургик тактикасини такомиллаштириш..... 3

**Якубов Фарход Раджабович**

Медико-социальные аспекты и совершенствование хирургической  
тактики при эхинококкозе печени..... 29

**Yakubov Farkhod Rajabovich**

Medical and social aspects and improvement of surgical tactics  
in liver echinococcosis..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЯКУБОВ ФАРХОД РАДЖАБОВИЧ**

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИНИНГ ТИББИЙ - ИЖТИМОЙ  
ЖИҲАТЛАРИ ВА ХИРУРГИК ТАКТИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib580 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бабаджанов Азам Хасанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Икрамов Адхам Илхамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Арипова Назира Уктамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гуламов Олим Мирзахитович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
«А.В. Вишневский номидаги Миллий хирургия  
тиббий тадқиқот маркази» федерал давлат бюджет  
муассасаси**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (135 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**Х.К. Абролов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё миқёсида 2 млрд.дан ортиқ одамлар трансмиссив ва паразитар касалликлардан азият чекади, уларнинг орасида этиологик омили *Echinococcus* туркумига кирувчи (*Taeniidae* оиласи) тасмасимон чувалчанглар бўлган эхинококкоз билан касалланиш, йилига 100 минг аҳоли сонига 200 нафарга етади<sup>1</sup>. Эхинококкоз кўпинча жигарни зарарлайди. Жигар эхинококкози (ЖЭ)нинг асосий хусусияти – кистоз ҳосиланинг ёрилиши ҳолатида унинг юқори инвазивлиги ва инсоннинг бутун организми бўйлаб гельминт тухумларининг тарқалиши ҳисобланади. Турли механизмлар натижасида “20-40% ҳолларда касалликнинг асорати ривожланади, шу жумладан, ўт йўллариининг зарарланиши (42% гача), жигар, дарвоза ёки ковак венанинг босилиши, кистанинг ёрилиши (1-8%), бактериал суперинфекция (7%), оғир анафилактик ҳолатлар (1%), кистобронхиал окмалар учрайди”<sup>2</sup>. Агар ЖЭнинг консерватив даволаш нуқтаи назаридан, бугунги кунда кўплаб тадқиқотлар антипаразитар дори воситаларининг юқори самарадорлигини кўрсатган бўлса, хирургик даволашда ҳанузгача, касалликнинг шакли ва морфологик босқичини ҳисобга олиб, эхинококкэктомиядан (ЭЭ) кейинги қолдиқ бўшлиқ (ҚБ)қа ишлов бериш ва бартараф қилиш усуллари ва турли хирургик ёндашувларга (кам инвазив ёки анъанавий ташрихларга) кўрсатмалар ишлаб чиқиш борасида далиллар мажмуаси етарли бўлмаганлиги сабабли ягона умумий қабул қилинган баённома мавжуд эмас.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда эхинококкознинг геноми ва транскриптомини ўрганиш, паразитнинг ривожланиш биологияси ва сут эмизувчи хўжайин ҳайвонлар билан ўзаро таъсирининг тафсилотларини очиш бериш, эхинококкозни янги даволаш усуллари ва аралашувларни ишлаб чиқилишига имкон берувчи муҳим маълумотларни тақдим этиш, энг долзарб тадқиқотлар бўлиб қолмоқда. Экспериментал шароитда *Echinococcus granulosus* да макроскопик, морфологик ва патологик ўзгаришларни динамик ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, хусусан, эхинококк кистасининг муртак қатлами ҳамда протосколексларнинг гепатоцитлар ва жигар ичи ўт йўллари билан ўзаро таъсирини тадқиқ этиш, фиброз капсула лимфатик хужайралар инфильтрацияси билан маҳаллий химоя иммун реакциясининг намоён бўлишини ўрганиш, булар эса ҚБни бартараф қилишнинг янги усуллари ва сколицид воситаларни, шунингдек, ЖЭ билан касалланган беморларни олиб боришда янги хирургик технологияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари профилактика, консерватив ва хирургик даволашнинг замонавий тамойилларини жорий этиш орқали паразитар касалликларга чалинган

<sup>1</sup> Framework for control and prevention of soil-transmitted helminthiasis in the WHO European Region 2016–2020.

<sup>2</sup> Ferrer-Inaebnit E, Molina-Romero FX, Segura-Sampedro JJ, González-Argenté X, Morón Canis JM. A review of the diagnosis and management of liver hydatid cyst. Rev Esp Enferm Dig. 2021. doi: 10.17235/reed.2021.7896/2021

беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш учун тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланган<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан ЖЭни хирургик даволашда каминвазив ёки анъанавий аралашувлар усулини танлашга тактик ёндашувларни мақбуллаштириш, шунингдек, ҚБқа ишлов бериш ва бартараф қилиш усуллари такомиллаштириш, ушбу жигар патологиясининг юқори эпидемиологик ва клиник аҳамияти туфайли хирургиянинг, умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** ЖЭ билан оғриган беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>4</sup> Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган: Arán Ediciones S.L., Touma D., et al. The liver involvement of the hydatid disease: A systematic review designed for the hepatogastroenterologist. *Acta Gastroenterol. Belg.* 2013;76(2):210-8. Shera T.A. et al. A comparison of imaging guided double percutaneous aspiration injection and surgery in the treatment of cystic echinococcosis of liver. *Br. J. Radiol.* 2017;90(1072):20160640; Khan A et al. A Retrospective Analysis on the Cystic Echinococcosis Cases Occured in Northeastern Punjab Province, Pakistan. *Korean J Parasitol.* 2018;56(4):385-390; Zhang H. et al. Analysis of contrast-enhanced ultrasound and pathological images of hepatic alveolar echinococcosis lesions. *Eur. Rev. Med. Pharmacol. Sci.* 2016;20(10):1954-60; Abbas R. et al. Abdominal effusion revealing an exophytic hydatid cyst of the liver has developed under mesocolic. *Pan Afr. Med. J.* 2019;34:101. Ferrer-Inaebnit E et al. A review of the diagnosis and management of liver hydatid cyst. *Rev Esp Enferm Dig.* 2021; Abdelraouf Aet al. Clinical and serological outcomes with different surgical approaches for human hepatic hydatidosis. *Rev Soc Bras Med Trop.* 2015;48(5):587-93; Al-Saeedi M, Ramouz A, Khajeh E, El Rafidi A, Ghamarnejad O, Shafiei S, Ali-Hasan-Al-Saegh S, Probst P, Stojkovic M, Weber TF, Hoffmann K, Mehrabi A. Endocystectomy as a conservative surgical treatment for hepatic cystic echinococcosis: A systematic review with single-arm meta-analysis. *PLoS Negl Trop Dis.* 2021;15(5):e0009365; Rahimi MT, Ahmadpour E, Rahimi Esboei B, Spotin A, Kohansal Koshki MH, Alizadeh A, et al. Scolicidal activity of biosynthesized silver nanoparticles against *Echinococcus granulosus* protoscolices. *Int J Surg.* 2015;19:128-33.

оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан Mashhad тиббиёт фанлари университети (Эрон), Sher-I-Kashmir тиббиёт фанлари институти (Хиндистон), COMSATS Исломобод университети (Покистон), Ветеринария факультетининг Паразитология кафедраси (Туркия), Дигестив ва қон-томир хирургияси маркази, Шинжон тиббиёт университетининг биринчи филиал касалхонаси (Урумчи, Хитой), Arrazi шифохонаси, Муҳаммад VI университети тиббиёт маркази (Марокаш), Bezmialem Vakif университети (Туркия), Насеттере университети тиббиёт факультети (Туркия), Миллий гепатология ва тропик тиббиёт илмий-тадқиқот институти (Миср), Saint-Pierre Universitario шифохонаси, Libre de Bruxelles университети (Бельгия), Kurdistan тиббиёт фанлари университети (Эрон), Universitario Guadalajara шифохонаси (Испания), St George шифохонаси, Сидней (Австралия), Ветеринария тиббиёт коллежи (АҚШ), Sisli Hamidiye Etfal ўқув ва тадқиқот шифохонаси (Туркия), Instituto de Investigación en Salud y Desarrollo ва Cátedra de Паразитология, Тиббиёт факультети, Mayor de San Andres университети (Боливия), Цюрих университети, Паразитология институти (Швейцария), Universitario Son Espases шифохонаси (Испания), Heidelberg университети шифохонаси (Германия), Isfahan тиббиёт фанлари университети (Эрон), Кубан давлат тиббиёт университети (Россия), А.Н.Сизганов номидаги миллий хирургия илмий маркази (Қозоқистон), Доғистон давлат тиббиёт университети (Россия), В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да ўтказилган.

ЖЭ билан оғриган беморларни ташхис сифатини ошириш, периоперацион олиб бориш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: эхинококк кистасининг 3 таркибий қисми тузилиши очилди: зич ва тотали ҳимоя соҳасини ташкил қилувчи модификацияланган хўжайин-хўжайрадан иборат ташқи перицист; ўрта – метаболизмни таъминловчи кўп қаватли хўжайрали мембрана ва паразитнинг личинка босқичи шаклланадиган ички муртак қавати (Hospital Clínico San Carlos, Universidad Complutense, Мадрид, Испания); макро- ва микроскопик тадқиқотлар инсон жигарида Echinococcus granulosus личинка шаклининг кетма-кет ва босқичма-босқич ўзгариши ва дегенерацияси билан эхинококк кистасининг сезиларли морфотузилмали ўзгарувчанлигини кўрсатди (Исфахон тиббиёт фанлари университети, паразитология ва микробиология кафедраси, Исфахон, Эрон); эхинококк кисталари ёрилиши ёки иккиламчи инфекцияга айланиши, ҳаёт учун хавфли асоратларга олиб келиши ва атрофдаги тузилмаларга катта таъсир кўрсатиши кўрсатилган (Дигестив ва қон-томир хирургия маркази, Шинжон тиббиёт университетининг биринчи филиал касалхонаси, Урумчи, Хитой); эхинококкоз ҳар қандай аъзо ва тўқималарни зарарлаши аниқланган, кўпинча паразит жигар (44-84%), сўнгра ўпкада (20%), камроқ бош мия, буйраклар ва талокда жойлашади (King Edward тиббиёт университети, Лахор, Покистан);

ҳозирги вақтда хирургик даволаш ЖЭда танлов усули эканлиги исботланган (ЖССТнинг одам эхинококкозининг олдини олиш ва даволаш бўйича ҳамкорлик маркази ва Франциянинг эхинококкоз миллий маркази, Безансон, Франция); марсупиализация, ташқи дренажлаш, капитонаж, интрофлексия ва оментопексия каби қолдиқ бўшлиқни бартараф қилишнинг турли усуллари тавсифланган (Ошқозон-ичак хирургия бўлими, Туркия Yüksek İhtias şifохонаси, Анқара, Туркия).

Ҳозирги даврда жаҳонда ЖЭни профилактикаси ва даволашга турли хил ёндашувлар натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда, бу эса эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви, эхинококкоз учун эндемик минтақалар сонининг кўпайиши, анъанавий ва каминвазив ташрихлардан кейин касаллик рецидив ривожланиши хавфининг динамик баҳолаш билан жигар физиологиясининг ўзгаришларини ва эхинококк кистасининг морфофункционал хусусиятларини чуқурроқ ўрганишни талаб қилиши ва хирургик тактика масаласида ёндашувларнинг бир хил эмаслиги билан боғлиқ. Эпидемиологик, иммунологик ва клиник жиҳатларни тадқиқ этиш ЖЭ патогенези ҳақидаги замонавий тушунчаларни такомиллаштиришга ёрдам беради ва жигарнинг ушбу касаллигини даволашда янги хирургик технологияни ишлаб чиқишга имкон беради деб тахмин қилинади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда ЖЭни хирургик даволашнинг асосий стратегияси анъанавий ва лапароскопик ЭЭ, шунингдек, перкутан пункцион-дренажловчи (PAIR ва PEVAC усуллари) аралашувлардан иборат. Хирургик даволашнинг мақсади паразитни бевосита инактивация қилиш, муртак қавати, перикистоз соҳа билан бирга кистани эвакуация қилиш, сколекснинг перитонеал тарқалишини олдини олиш ва қолдиқ бўшлиққа ишлов беришдир<sup>5</sup>. Аммо, барча усуллар билан даволашда рецидив частотаси 7% дан 25% гачани, асоратлар даражаси 12% дан 84% гачани, ўлим даражаси эса 0,5% дан 6,5% гачани ташкил қилади<sup>6</sup>. Охирги мета-таҳлиллар шуни кўрсатдики, ташрихдан кейинги абдоминал инфекцияни, сафроли оқма ва умумий ўлим хавфини камайтириш нуктаи назаридан радикал хирургик аралашувлар афзалроқдир<sup>7</sup>. Ретроспектив тадқиқот натижаларига кўра, J.M.Ramía Angel ва бошқ. (2020) ЖЭ хирургиясида турли радикал ёндашувлар ўртасида ташрихдан кейинги асоратларда сезиларли фарқ топмадилар<sup>8</sup>. Бўлак атрофияси билан ўт йўллари, томирлар оғир шикастланиши ёки рецидив ҳолатида жигар резекцияси қўлланилади, бу эса ҳар қандай майда сателлит шикастланишларни олиб ташлашни таъминлайди. Бироқ, ЖЭда жигар резекциясига кўрсатмалар бўйича умумий консенсусга эришилмаган. W.Patkowski ва бошқ. (2017) тадқиқотида ЖЭда резекцион аралашувлардан кейин (бисегментэктомия, ўнг томонлама ва чап томонлама

<sup>5</sup> Wen H, Vuitton L, Tuxun T, Li J, Vuitton DA, Zhang W, McManus DP. Echinococcosis: Advances in the 21st Century. Clin Microbiol Rev. 2019 Mar 20;32(2)

<sup>6</sup> Robles R., Parilla P. Abscesos y quistes hepáticos. Guías Clínicas de la A.E.C. Cirugía Hepática. 2018; 6:106-123.

<sup>7</sup> Bayrak M, Altintas Y. Current approaches in the surgical treatment of liver hydatid disease: single center experience. BMC Surg. 2019 Jul 17;19(1):95. doi: 10.1186/s12893-019-0553-1.

<sup>8</sup> Ramia J.M., Serrablo A., Seradilla M., et al. Major hepatectomies in liver cystic echinococcosis: A bi-centric experience. Retrospective cohort study. Int. J. Surg. 2018;54:182-186;



гемигепатэктомия) асоратлар частотаси (сафроли окма ва диафрагма ости абсцесси) 3,4%ни ташкил қилган. Ўлим ҳолатлари кузатилмаган ва 1, 5 ва 10 йилдан кейин яшаб қолиш даражаси мос равишда 100%, 90,9% ва 87,9%ни ташкил этган<sup>9</sup>. Сўнгги пайтларда PAIR ва PEVAC каби ЖЭни даволашнинг пункцион-дренажловчи усуллари жуда машҳур бўлди. О.Аkhан ва бошқ. (2020) томонидан ўтказилган проспектив рандомизирланган тадқиқотлар натижалари ЖЭни даволашнинг пункцион-дренажловчи усуллари узоқ муддатдаги натижалари таққосланганда, CE1 и CE3 турдаги жигар эхинококк кисталарини даволаш учун PAIR усулига устунлик бериш кераклигини кўрсатди<sup>10</sup>.

ЖЭни даволашнинг асосий тамойилларидан бири тирик сколексларнинг инактивацияси бўлиб, айниқса гигант ёки кўплаб эхинококк киста ҳолатларида, киста ҳажми касалланиш ва ўлим ҳолатларининг муҳим предиктори сифатида ва катта ҚБ касаллик рецидивни хавфини ошиши нуктаи назаридан қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ЖЭ замонавий хирургиясининг мураккаб масаласи бўлиб қолмоқда<sup>11</sup>. Бироқ, киста хитин қобиғининг кальцификацияда ёки юқори даражада қаттиқлигида қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва бартараф қилишнинг маълум уллари самарасиздир. Қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва сколицид таъсир кўрсатиш учун ЖЭ турли шакллари ва локализациясида самарадорлиги турлича бўлган антисептик эритмалар сифатида кимёвий, физик ва биологик агентлар (2% формалин эритмаси; 96% этанол спирти; 20% гипертоник тузли эритмаси; 5% йод эритмаси; 30% натрий тиосульфат эритмаси; 1% диоксидин эритмаси; 0,05% хлоргексидин; 0,1% фурагин; лазер нури; ультратовуш кавитация; буғ билан термик ишлов бериш ва криодеструкция) кенг қўлланилади<sup>12</sup>. Бунда, маълум антисептикларнинг фиброз капсула орасидаги жойлашган сколексларга таъсир қилиш учун кириб бориш қобилиятига оид савол очик қолмоқда. Ушбу шубҳалар, ЖЭ рецидивни кўпинча аввалги ташрих соҳасида (25% ва юқори) содир бўлиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, ЖЭни хирургик даволаш соҳасида эришилган сезиларли ютуқларга қарамадан, ташрихдан кейинги натижалар ва беморларнинг ҳаёт сифатига муайян даражада ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи кўплаб жиҳатлари якуний ечимдан йироқ ҳамда кейинги тадқиқот ва муҳокамалар мавзуси ҳисобланади.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ЖЭни хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатларини мақбуллаштириш масалалари хирургия йўналишининг мунозарали ва якуний ечимдан йироқ муаммоларига

<sup>9</sup> Patkowski W, Krasnodębski M, Grąt M, Masiór Ł, Krawczyk M. Surgical treatment of hepatic Echinococcus granulosus. *Prz Gastroenterol.* 2017;12(3):199-202. doi: 10.5114/pg.2017.70473

<sup>10</sup> Akhan O, Erdoğan E, Ciftci TT, Unal E, Karaağaoğlu E, Akinci D. Comparison of the Long-Term Results of Puncture, Aspiration, Injection and Re-aspiration (PAIR) and Catheterization Techniques for the Percutaneous Treatment of CE1 and CE3a Liver Hydatid Cysts: A Prospective Randomized Trial. *Cardiovasc Intervent Radiol.* 2020;43(7):1034-1040.

<sup>11</sup> Mihmanli M., Idiz U.O., Kaya C., et al. Current status of diagnosis and treatment of hepatic echinococcosis. *Rev. Esp. Enf Dig.* 2016;8(28):1169-1181.

<sup>12</sup> Sharafi SM, Sefiddashti RR, Sanei B, Yousefi M, Darani HY. Scolicidal agents for protoscolices of Echinococcus granulosus hydatid cyst: Review of literature. *J Res Med Sci.* 2017 Aug 16;22:92;

киради. Шу билан бирга, ЖЭ рецидивни биринчи даражали муаммо бўлиб қолмоқда, бу эса мавжуд даволаш усулларига кўрсатмаларни, эхинококкэктомиядан кейин қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва бартараф қилиш усулларини аниқлаштириш, эхинококк кисталарининг турли морфологик шакллари ривожланиши омилларини ҳисобга олган ҳолда прогностик шкалалар ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади. Шу муносабат билан, каминвазив ёки анъанавий аралашув усулини танлашга янги тактик ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва бартараф қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказиш зарур.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011800230-сон «Одам хирургик касалликларини ташхислаш ва даволашга янги ёндашувлар» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** каминвазив ёки анъанавий аралашув усулларини танлашга тактик ёндашувларни мақбуллаштириш, шунингдек қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш ва бартараф қилиш усулларини такомиллаштириш орқали жигар эхинококкозининг хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида эхинококкоз тарқалишининг интенсив кўрсаткичини аниқлаш;

жигар эхинококкозини даволашнинг пункцион усули (PAIR) асоратлари ва уларнинг сабабларини аниқлаш;

гидатидоз зарарланиш ривожланишининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда, жигар эхинококкозини даволашнинг пункцион-дренажловчи усули (PEVAC) самарадорлигини баҳолаш;

лапароскопик эхинококкэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатлари ва натижаларига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

анъанавий ташрихлар билан қолдиқ бўшлиқни турли усулларда бартараф қилишдан кейин, ҚБнинг репаратив хусусиятларини аниқлаш;

турли антисептик эритмалар экспозициясида хитин қаватнинг ҳолатини морфологик баҳолаш;

фиброз капсула орасида жойлашган герминатив элементларга турли антисептикларнинг таъсирини аниқлаш;

жигар эхинококкозида PAIR, PEVAC, лапароскопик ва анъанавий усулларга кўрсатмаларни аниқлаштириш билан даволаш тактикасини танлаш алгоритмининг мақбуллаштириш ва унинг клиник самарадорлигини баҳолаш;

жигар эхинококкозини даволашда таклиф қилинган тактиканинг жамланган натижаларини қиёсий жиҳатдан аниқлаш;

хирургик даволаш усулига боғлиқ ҳолда рецидив эхинококкоз частотасини аниқлаш;

эхинококкоз асоратлари ва рецидиви частотаси нуқтаи назаридан қолдиқ бўшлиққа ФарГАЛС препарати билан ишлов беришнинг клиник самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг турли худудларида жойлашган учта тиббиёт муассасалари: Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида 365 (29,7%) нафар бемор; Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида – 352 (28,6%) нафар ҳамда “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази”да 2015-2020 йиллар мобайнида ЖЭ билан даволанган 1230 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда ЖЭ эпидемиологиясини ўрганиш, жигардаги гидатид структурасига турли сколецид воситалар таъсирини морфологик баҳолаш, ЖЭ рецидиви ва асоратлар ривожланиши жиҳатидан турли хирургик аралашувлар самарадорлигини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда эпидемиологик, умумклиник, инструментал, (УТТ, МСКТ), морфологик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

касаллик тарқалишининг минтақавий хусусиятларини, шунингдек жигар, ўпкалар ва бошқа аъзоларга паразитар инвазиянинг экстенсив қийматини аниқлаш билан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида турли хил жойлашувдаги эхинококк зарарланишининг эпидемиологик жиҳатлари очиқ берилган;

болалар ва катталарда касалликнинг жигар ёки қорин бўшлиғи бошқа аъзолари зарарланиши билан рўйхатга олинган ва ташхисланмаган бирламчи ҳамда рецидив шакллари хисобга олган ҳолда гидатид паразитар инвазиянинг клиник-эпидемиологик жиҳатларига аниқлик киритилган;

даволовчи кимётерапия ўтказиш имкониятини ошириш ёки хирургик аралашувлар улушини камайтириш эҳтимоллиги верификацияси билан эхинококк билан зарарланишнинг эрта шакллари аниқлаш учун қорин бўшлиғи аъзоларининг мунтазам УТТ-скрининги ўтказилишининг клиник-патогенетик аҳамияти аниқланган;

даволашнинг пункцион усули (PAIR) бир камерали 4 см.дан катта ўлчамдаги жигар эхинококкозида (СЕ I тури), шунингдек СЕ II-III турдаги мультивезикуляр кистада тўлиқ антипаразитар самарани (қиз пуфакларга нисбатан) ва қолдиқ бўшлиқ облитерацияси учун адекват адгезив жараённи таъминлай олмаслиги аниқланган;

киста ривожланиши босқичи (СЕ I-III турлари), унинг ўлчамлари ва фиброз капсула ҳолатига боғлиқ ҳолда қолдиқ бўшлиқ томонидан асоратлар ривожланиши хавф омилларини текшириш билан даволашнинг пункцион-дренажловчи усули (PEVAC) натижасига таъсир қилувчи жигар эхинококкози кечишининг клиник-патофизиологик хусусиятлари аниқланган;

лапароскопик эхинококкэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатларини мураккаблаштирувчи асосий омилларга паразитар жараённинг

жойлашуви, ўлчамлари ва авж олиш босқичи, шунингдек қолдиқ бўшлиқнинг абдоминизация ҳажмига боғлиқ холда, уларнинг специфик асоратлар ривожланиши хавфига таъсирини прогностик баҳолаш билан аниқлик киритилган;

анъанавий эхинококкэктомияда дренажлаш йўли билан қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш, унинг тўлиқ ёки қисман тикилиши ёки кенг абдоминизациясидан фарқли равишда, кўшимча каминвазив муолажаларни ёки қайта оператив аралашувларни талаб қилувчи суяқлик йиғилиши ёки йиринглаш ривожланишининг асосий хавф омилларидан бири эканлиги қайд этилган;

ФарГАЛС антисептек воситаси кислотали муҳит ҳисобига хитиннинг чуқур қаватларига осонликча кириб бориши, уларнинг бутунлигини бузиши ва деструкцияга олиб келиши, нейтрал эритмалар (70% ва 96% ли этанол эритмалари, йоднинг 5% ли спиртли эритмаси) эса, хитин қаватнинг полимер мукополисахарид тузилмасига таъсир қила олмаслиги аниқланган;

жигар эхинококкозини хирургик даволашда, паразитнинг фаол шаклларига қарши гермицид самарани ошириш ва қолдиқ бўшлиқ битиши жараёнларини тезлаштириш билан тавсифланувчи фиброз капсулага антипаразитар ишлов бериш усули такомиллаштирилган;

гермицид самарани кучайтиришга, шунингдек хитин қават деструкциясини таъминлашга ва қолдиқ бўшлиқнинг репарация жараёнларини тезлаштиришга йўналтирилган жигар эхинококкозини пункцион (PAIR) ва пункцион-дренажловчи (PEVAC) даволаш усуллари такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:**

даволашнинг консерватив тактикаси эҳтимолини ошириш учун паразитар инвазиянинг эрта ташхисотини такомиллаштириш йўлини аниқлашга имкон берган оператив фаоллик ва даволовчи кимётерапия кўрсаткичларини аниқлаш билан Ўзбекистон Республикасида жигар, ўпка ва бошқа аъзолар эхинококкози тарқалишининг интенсив кўрсаткичига аниқлик киритилган;

эхинококкознинг секин ўсишини ҳисобга олган холда, мамлакатимиз аҳолиси орасида йилига 1-2 марта УТТ-скринингини ўтказиш қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкознинг эрта босқичларида ташхислаш кўрсаткичларини яхшилашга имкон бериб, даволовчи кимётерапияни қўллаш эҳтимолини йилдан йилга ўсишини таъминлаши исботланган;

жигар эхинококкозини даволашда пункцион (PAIR) ва пункцион-дренажловчи (PEVAC) усулларни амалга ошириш имкониятларини баҳолаш ва кўрсатмаларига аниқлик киритиш учун кистанинг ривожланиш босқичи ва ўлчамларини, шунингдек фиброз капсула ҳолатини текширишга асосланган сонографик мезонларга аниқлик киритилган;

қолдиқ бўшлиқ томонидан асоратлар ривожланиши хавфини камайитиришга имкон берган лапароскопик эхинококкэктомияни амалга оширишнинг асосий кўрсатмалари ҳамда фиброз капсулани етарли даражада абдоминизациясини ҳосил қилиш учун перекистэктомиянинг зарур ҳажмини баҳолаш мезонлари аниқланган;

стандарт ҳолатларда анъанавий эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни дренажлаш учун кўрсатмалар, суюқлик йиғилиши ва йиринглаши кўринишидаги дренажлашдан кейинги асоратлар ривожланиши хавфини камайтиришга имкон берадиган, фақатгина фиброз капсуланинг капитонаж ёки адекват абдоминизация учун етишмаслиги билан чекланиши кераклиги аниқланган;

PAIR, PEVAC, лапароскопик ва анъанавий усулларни ўтказиш учун кўрсатмаларга аниқлик киритган ҳолда, қолдиқ бўшлиқ томонидан асоратлар частотасини ва шунга мос равишда уларни бартараф қилиш учун қайта кам инвазив аралашувлар заруриятини камайтиришга имкон берган жигар эхинококкозини даволаш тактикасини танлаш алгоритми такомиллаштирилган;

морфологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, кислотали муҳитга эга ФарГАЛС антисептик воситасидан фойдаланиш, нейтрал эритмалардан (70% ва 96% ли этанол, 5% ли йоднинг спиртли эритмаси) фарқли равишда, хитин қобиқнинг полимер мукополисахарид тузилмасини бузиши, шунингдек, қолдиқ бўшлиққа ишлов беришда фиброз капсуладаги герминатив элементларнинг деградациясига олиб келиши исботланган;

турли эхинококкэктомия шакллари амалга оширишда антипаразитар таъсир кўрсатишнинг таклиф қилинган усуллари гермицид самарадорликни оширишга, пункцион-дренажловчи усулларда гидатид суюқлиги лизиси ва эвакуациясини яхшилашга имкон бериши, шунингдек, қолдиқ бўшлиқ битиши жараёнларини кучайишини таъминланиши аниқланган;

жигар эхинококкозини хирургик даволашда каминвазив ва анъанавий усулни танлашга тактик ёндашувларни мақбуллаштириш профилактик кимётерапияни мажбурий ўтказиш билан биргаликда касаллик рецидивини хавфини камайтиришга имкон берганлиги исботланган;

специфик асоратлар ва уларни даволаш учун қайта аралашувлар частотаси, дренажлашнинг ўртача муддатлари, шунингдек аввалги ташрих соҳасида жигар эхинококкози локал рецидивининг камайиши билан тавсифланадиган эхинококкэктомиядан кейинги қолдиқ бўшлиққа ФарГАЛС препарати билан ишлов беришнинг клиник самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар назарий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида ЖЭ эпидемиологиясини ўрганишга, паразитар жараён жойлашуви, ҳажми ва босқичларига боғлиқ ҳолда асоратлар ривожланиши хавф омилларини аниқлаш билан даволаш натижасига таъсир қилувчи ЖЭ патофизиологик хусусиятларини аниқлашга, турли сколицид воситаларнинг паразит фаол шаклига қарши таъсирини морфологик баҳолаш эса, фиброз капсулага

антипаразитар ишлов бериш ва ЖЭ ни даволашнинг пункцион ва пункцион-дренажловчи усуллариани такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ўтказилган эпидемиологик, морфологик ва клиник тадқиқотлар даволашнинг консерватив тактика эҳтимоллини ошириш, ЖЭни хирургик даволашнинг турли шаклларига кўрсатмаларга ва сонографик мезонларга аниқлик киритиш учун ЖЭни эрта таъхисотини мақбуллаштириш йўллариани аниқлашга, шунингдек, қолдиқ бўшлиқ томонидан специфик асоратлар частотасини ҳамда уларни даволаш учун қайта аралашувларни камайтиришга ва касаллик рецидивни хавфини қисқартиришга ёрдам берган, ЖЭ даволаш тактикасини танлаш алгоритминини мақбуллаштириш билан ЭЭнинг турли вариантларини амалга оширишда антипаразитар таъсир усуллариани такомиллаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Жигар эхинококкозининг хирургик даволаш тактикасини мақбуллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Жигар эхинококкозининг каминвазив даволаш усули» такомиллаштирилган (Ихтирога патент №IAP 06539, 17.06.2021 й.). Таклиф қилинган усул эхинококк суюқлигида, фиброз капсула юзасида ва ичида жойлашган паразитнинг фаол шаклларига гермицид таъсир қилиш самарадорлигини яхшилашга имкон берган.

«Жигар эхинококкэктомиясидан кейинги қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш усули» такомиллаштирилган (Ихтирога патент №IAP 06540, 17.06.2021 й.). Таклиф қилинган усул лапароскопик ёки анъанавий эхинококкэктомияни амалга оширишда антипаразитар ишлов бериш самарадорлигини яхшилашга, дренажловчи аралашувдан сўнг қолдиқ бўшлиқни ёпилиш жараёнларини кучайтиришга имкон берган.

жигар эхинококкозини хирургик даволаш усули бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Жигар эхинококкозини хирургик даволаш усулини танлашнинг тактик жиҳатлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-09/19738-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар жигар эхинококкозини даволашнинг каминвазив усуллариани амалга ошириш учун кўрсатмаларни мақбуллаштиришга ва уларнинг натижаларини яхшилашга имкон берган;

жигар эхинококкози хирургиясида қолдиқ бўшлиққа антипаразитар ишлов бериш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Жигар эхинококкози хирургиясида қолдиқ бўшлиққа антипаразитар ишлов бериш усуллариани такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-09/19738-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар жигар эхинококкэктомиясидан кейинги қолдиқ бўшлиққа антипаразитар ишлов бериш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича тактик ёндашувларни мақбуллаштириш имконини берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлимига ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникасига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08-09/19738-сон маълумотномаси) жорий этилган. Жигар эхинококкозини хирургик даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш қолдиқ бўшлиқ томонидан асоратлар ривожланиши частотасини 9,7% дан 4,4% гача ва шунга мос равишда уларни бартараф этиш учун такрорий каминвазив аралашувлар заруриятини 2,9% дан 1,0% гача ва анъанавий ташрихларни 1,3% дан 0,2% гача қисқартиришга, шунингдек касаллик рецидиви хавфини 7,6% дан 3,7% гача камайитиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисми ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш объекти ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жигар эхинококкози: эпидемиологияси, этиопатогенезининг замонавий жиҳатлари, ташхиси ва хирургик давоси»** деб номланган биринчи бобида беш кичик бўлимдан иборат адабиётлар шарҳи кўриб чиқилган бўлиб, ЖЭ эпидемиология масалаларига бағишланган асосий фикрлар, шунингдек ушбу патологиянинг анъанавий ва каминвазив хирургик давосида замонавий тендециялар акс эттирилган. Шунингдек, ЭЭдан кейинги қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш ва ишлов беришнинг турли усул ва методикалари, касалликнинг асоратлари ва рецидиви ривожланиши хусусиятлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Жигар эхинококкози билан беморларнинг клиник хусусиятлари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг умумий хусусиятлари, морфологик тадқиқот материаллари, шунингдек, натижаларни клиник ва статистик таҳлил қилишда қўлланилган усуллар акс эттирилган. Тадқиқотнинг клиник қисми Ўзбекистон Республикасидаги турли ҳудудий жойлашувга уқта тиббиёт муассасаси: Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (n=365), Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси (n=352) ва «академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ ДМ»да (n=513) жами 1230 нафар беморда (2015-2020 йй.) жигарни эхинококк зарарланишини жойлашуви, ўлчами ва ривожланиш босқичларига кўра, шунингдек, даволашнинг каминвазив ва очиқ анъанавий хирургик усуллари амалга оширилиши бўйича рандомизацияси билан бирламчи ва рецидив ЖЭни даволаш натижаларини очиқ кўпмарказли ретроспектив ва проспектив таҳлил доирасида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида жигар ва бошқа аъзолар эхинококкозининг эпидемиологик жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларидаги 2015-2019 йиллар мобайнида жигар ва бошқа аъзолар эхинококкози билан даволанган беморлар миқдорининг тузилмавий таҳлили, Хоразм вилояти аҳолиси ўртасида ЖЭ эрта УТ-ташхиси самарадорлигини аниқлашга кўра натижалари келтирилган. Олинган маълумотларга кўра (1-жадвал) тарқалишнинг интенсив кўрсаткичи 100 минг аҳоли сонига  $6,5 \pm 0,09$  ни ташкил қилган бўлса, энг юқори даражаси Сирдарё (ўртача кўрсаткичига  $14,0 \pm 1,38$ ;  $p < 0,001$ ) ва Жиззах ( $10,9 \pm 1,41$ ;  $p < 0,001$ ) вилоятларида, энг кам кўрсаткич эса Тошкент шаҳри ( $2,8 \pm 0,18$ ;  $p < 0,001$ ) ва Қашқадарё вилоятида ( $4,7 \pm 0,24$ ;  $p < 0,001$ ).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси турли ҳудудлари бўйича 100 минг аҳолига эхинококкоз билан зарарланишнинг тарқалиши

Худуд	2015-2019 йй. давомида ўртача миқдори			2015-2019 йй. давомида ўртача 100 минг аҳолига			Ишончлилиқ	
	М	$\sigma$	m	М	$\sigma$	m	t	p
Андижон вилояти	164,8	4,3	1,9	5,5	0,16	0,07	12,10	<0,05
Бухоро вилояти	173,4	5,3	2,4	9,4	0,26	0,12	-22,91	<0,05
Жиззах вилояти	142,8	22,4	10,0	10,9	1,41	0,63	-6,90	<0,05
Қашқадарё вилояти	145,4	4,7	2,1	4,7	0,24	0,11	15,85	<0,05
Навой вилояти	60,2	10,3	4,6	6,3	0,94	0,42	0,46	>0,05
Наманган вилояти	135,6	8,0	3,6	5,1	0,4	0,2	7,60	<0,05
Самарканд вилояти	215,4	5,3	2,4	5,9	0,23	0,10	6,01	<0,05
Сурхондарё вилояти	221,4	43,2	19,3	9,0	1,88	0,84	-2,90	<0,05
Сирдарё вилояти	113,0	12,5	5,6	14,0	1,38	0,62	-12,07	<0,05
Тошкент вилояти	248,8	17,8	7,9	8,8	0,49	0,22	-10,13	<0,05
Фарғона вилояти	224,8	10,5	4,7	6,3	0,16	0,07	3,01	<0,05
Хоразм вилояти	108,6	6,3	2,8	6,1	0,43	0,19	2,16	<0,05
Қорақалпоғистон рес.	82,4	5,5	2,5	4,5	0,30	0,13	14,55	<0,05
Тошкент шаҳар	68,4	5,2	2,3	2,8	0,18	0,08	42,46	<0,05
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>2 105,0</b>	<b>43,3</b>	<b>19,4</b>	<b>6,5</b>	<b>0,09</b>	<b>0,04</b>	0,00	-



Беш йиллик кузатув даврида Ўзбекистон Республикасида аниқланган эхинококкоз ҳолатларининг умумий кўрсаткичлари йилига 2049 дан 2159 гача нафар беморни ташкил этди. Мамлакат аҳолиси орасида эхинококкознинг тарқалиш динамикасини ўрганиш аслида йиллик бир хил кўрсаткичларни кўрсатди. Хусусан, Тошкент шаҳрида 2015-2019 йилларда 308 дан 327 гача турли жойлашувдаги эхинококкоз билан касалланган беморлар қайд этилган бўлса, уларнинг фақат бешдан бир қисми (64 дан 77 гача) шаҳар аҳолиси бўлиб, 100 минг аҳолига 2,7 дан 3,1 гача тарқалиш кўрсаткичини ташкил қилади. Кўп ҳолларда ЖЭ (75-80%) аниқланади. 300 дан 316 гача бемор операция қилинган, бошқа ҳолларда киста кичик бўлганлиги сабабли кимётерапия тавсия этилган ёки беморларнинг соматик ҳолати туфайли оператив даво қарши кўрсатма бўлган.

Агар Хоразм вилояти мисолида 2019 йил маълумотларини бутун республика бўйича барча кўрсаткичларга айлантирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш мумкинки, республика бўйича УТ-скрининг текшируви ўтказилганда фақат жигар ва қорин бўшлиғи бошқа аъзолари эхинококкозини рўйхатга олинган шакллари тахминан 11,3% га, яъни 1869 дан 2081 беморгача (212 кишига) кўпаяди, бу локализацияланган эхинококкознинг тарқалиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 5,62 дан 6,26 гача кўтарилади, бунда кимётерапевтик даволашнинг тахминий имконияти эса 4 баробар кўпайди, яъни 34 дан (1,8% - фактдан кейин амалга оширилди) 150 беморгача, бу 7,2%ни ташкил қилади, қолганлари оператив даволашга кўрсатма бўлади - 1931 (92,8%) ( $\chi^2=64,385$ ;  $df=1$ ;  $p<0,001$ ).

Агар эхинококкознинг секин ўсиши ҳисобга олинадиган бўлса, унда камида йилига ёки икки йилда бир марта мамлакат аҳолиси орасида мажбурий УТТ-скрининг ўтказилса, даволовчи кимётерапия ўтказиш эҳтимолининг ҳисобланган қиймати арифметик авж олинишида ортади, чунки ташхис жиҳатлари консерватив тактика учун имконияти янада мавжуд бўлган қорин бўшлиғи эхинококкозини аниқлаш билан яхшиланади.


Диссертациянинг **«Жигар эхинококкозини хирургик даволашнинг турли шаклларида кейинги асоратлар ривожланишининг клиник-патогенетик жиҳатлари»** деб номланган тўртинчи бобида таққослаш гуруҳида ЖЭни хирургик йўли билан даволашнинг турли усуллари натижалари таҳлили келтирилган.

РАИРдан кейин 23 нафар беморнинг фақат 16 (69,6%) нафарида ҚБ томонидан асоратлар кузатилмади, бу эса бужмайган ҳолатда тасвирланган. Изоляцияланган даволашнинг 1 (9,1%) ҳолатида абсцесс шаклланишининг типик клиникаси билан ҚБ йиринглаши аниқланган. Даволашнинг самарасизлигини кўрсатадиган янада даҳшатли асорат 2 (18,2%) ҳолатда, шунингдек, алоҳида даволашда тирик қиз пуфакчалари мавжудлиги қайд этилган. Ҳаммаси бўлиб, ўлчами 4 см.гача бўлган 13 та пункцияланган кистадан фақат 1 (7,7%) нафар беморда СЕ III турдаги киста билан асорат бўлган, 4 см.дан катта кисталарда 10 нафар бемордан 6 (7,7%) нафарида ҚБ асоратланган, улардан кўпчилигида СЕ II (3 дан 2 тасида – 66,7%) ва III тури (иккала беморда) эди. Асоратли кечиши бўйича пункцияланган кисталарнинг

ҳажми бўйича улуши сезиларли даражада фарқ қилади ( $\chi^2=7,304$ ;  $df=1$ ;  $p=0,007$ ) (1-расм).

Қайта каминвазив аралашувлар (PEVAC) 3 (13,0%) беморда, қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши билан 1 беморда ва яшовчан қиз кисталари билан 2 беморда бажарилган. Қолган 4 (17,4%) ҳолатда асоратлар 7-12 кун давомида консерватив тарзда бартараф қилинган.

PAIR даволашда бўлгани каби, пункцион-дренажловчи аралашув учун қолдиқ бўшлиқ томонидан специфик асоратлар ривожланиш хавфи билан асоратланади. Барча асоратлар дренажни олиб ташлагандан сўнг, аралашувдан кейин 11 кундан 36 кунгача бўлган даврда аниқланди. Жами 7 (24,1%) ҳолатда қолдиқ бўшлиқда суюқлик йиғилиши УТТда қайд этилди, яна 3 (10,3%) нафар бемор клиникага қолдиқ бўшлиқ йиринглаши билан қайтиб келишган. Ҳаммаси бўлиб, ушбу асоратлар гуруҳи 10 (34,5%) беморда аниқланган, 19 (65,5%) нафар бемор асоратсиз гуруҳида бўлган.



**1-расм. Пункцион асоратлар ривожланиш хавфининг эхинококк кистасининг ҳажми ва турига боғлиқлиги**

ҚБ томонидан асоратлар ривожланиши частотаси кисталарнинг ҳақиқий ҳажмига ва паразитнинг ривожланиш босқичига боғлиқ. Асоратлар 8 бемордан 3 (42,9%) нафарида фақат 6 см.дан юқори бўлган ҳажмдаги CE I турдаги кисталарда, II турдаги кисталар билан, шунингдек, кисталари 6 см.дан юқори бўлган 3 (50%) ҳолатда, PEVAC асосий усул сифатида ва 2 дан 1 нафарида биргаликда қўлланилганда бўлган. ҚБ III туридаги кисталарни даволагандан сўнг, мос равишда 3 дан 2 нафари ва 1 нафар беморда бўлган. Шунини таъкидлаш керакки, дастлабки кистада 6 см.гача бўлган дренажнинг ўртача давомийлиги  $17,2 \pm 7,9$  кунни ташкил этди, каттароқ диаметрли кисталарда -  $25,4 \pm 13,1$  кун ( $t=2,70$ ;  $p<0,01$ ), бу фиброз капсуланинг қалинлиги ва зичлиги билан боғлиқ бўлиб, ёпишиши учун узокроқ вақт талаб қилади.

Умуман олганда, 6 см.гача бўлган кисталар билан III турдаги кисталарни даволашда 11 нафар бемордан 1 (9,1%) нафарида асорат қайд этилди (ушбу 4 нафар бемордан 1 нафарида).

ЛапЭЭни бажаришнинг техник жиҳатлари методиканинг самарадорлигида етакчи қийматга эга. Киста ривожланиш босқичини ҳисобга олган ҳолда, манипуляция билан боғлиқ турли хил қийинчиликлар CE II-IV турида кўпроқ пайдо бўлади. Шундай қилиб, киста суяқлигини аспирация қилиш ёки олиб ташлаш билан боғлиқ қийинчиликлар жами 14 (30,4%) ҳолатда қайд этилган бўлса, CE II тури учун бу кўрсаткич 50% (12 бемордан 6 таси), CE III учун 44,4% (9 бемордан 4 нафарида), IV тури учун 100% (3)ни ташкил қилган. Бунинг сабаби шундаки, бу ҳолатларда кўплаб қиз кисталари, қалин она хитин қобик ёки унинг қуюқ деградацияси, шунингдек, IV турдаги хитин парчалари билан қуюқ массанинг мавжудлиги сабабли таркибни аспирация қилиш билан боғлиқ юзага келадиган муаммолар пайдо бўлган. Яна бир муаммо, асосан паренхима ичида жойлашган қолдиқ бўшлиқни адекват ревизияси ва ишлов бериш билан боғлиқ қийинчиликдир (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Киста турига боғлиқ ЛапЭЭда интраоперацион қийинчиликлар

Мезонлар		CE I	CE II	CE III	CE IV
Киста таркибини аспирация қилиш ва олиб ташлаш билан боғлиқ қийинчиликлар	Абс.	1	6	4	3
	%	4,5%	50,0%	44,4%	100,0%
Асосан паренхима ичида жойлашган қолдиқ бўшлиқни адекват ревизия қилиш ва ишлов бериш билан боғлиқ қийинчиликлар	Абс.	2	2	2	0
	%	9,1%	16,7%	22,2%	0,0%
Сафроли оқма	Абс.	3	2	1	2
	%	13,6%	16,7%	11,1%	66,7%
Перикистэктомия билан боғлиқ қийинчиликлар (фиброз капсулани кесиб олиш)	Абс.	4	2	2	1
	%	18,2%	16,7%	22,2%	33,3%

Анъанавий аралашувлардан кейин (n=541) рецидив ЖЭда релапаротомия ҳар доим битишмали жараён негизида, айниқса, бирламчи аралашув соҳасидаги рецидивда қийинчиликлар билан бирга кечади. ЖЭнинг бирламчи шаклида битишмали жараён фақат 440 дан 15 (3,4%) нафарида кузатилган, бу перифокал яллиғланиши ёки атроф тўқиманинг сиқилишида асоратланган эхинококкоз ривожланиши билан боғлиқ. Рецидивларда, 101 нафар бемордан 24 (23,8%) ҳолатида кистага киришда техник қийинчиликлар қайд этилган. 15 (2,8%) ҳолатда, айниқса жигарнинг диафрагмал юзаси бўйлаб кистанинг ажратилишида диафрагманинг тешилиши билан шикастланган, бу плевра бўшлиғини дренажлаб тикиш йўли орқали бартараф этилган (3-жадвал).

Шу билан бирга, ҚБни дренажлаш фойдасига тактикани танлаш узок муддатли дренажлашни талаб қилади, ҚБ томонидан асоратлар ривожланиши хавфини оширади, адекват абдоминализация эса бу кўрсаткични 5,9% гача, тўлиқ ёки қисман тикишни ҳатто 3,1% гача камайтиради, одатда уларни даволаш учун такрорий дренажлаш ёки очиқ аралашувларга бўлган эҳтиёж мос равишда 4,3% дан 2,0% гача ва 1,2% гача пасаяди.

Диссертациянинг «Жигар эхинококкози хирургик давосининг турли усулларининг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш» деб номланган бешинчи бобида жигарда гидатид тузилишига турли антисептик воситаларининг таъсирини морфологик қиймати (уларнинг эхинококк киста табиий суюқлигидаги сколекслар ва протосколекслар, хитин қобик ва фиброз капсула ораси ва ёриқида жойлашган протосколексларга таъсирини баҳолаш, 2-7-расм) келтирилган, хирургик даволаш усулига қараб таъсир натижасига таъсир қилувчи асосий хавф омиллари ажратилган, каминвазив хирургик даволаш ва жигар ЭЭсидан кейин ҚБқа ишлов бериш усули таклиф қилинган.

### 3-жадвал


#### Анъанавий ЭЭни амалга оширишдаги интероперацион қийинчиликлар

Мезонлар	Бирламчи эхинококкоз		Рецидив эхинококкоз		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Яққол битишмали жараён	15	3,4%	24	23,8%	39	7,2%
Ажратишдаги диафрагма шикастланиши	4	0,9%	11	10,9%	15	2,8%
Паренхима ичи кисталарини очганда қон кетиш билан (тикиш билан гемостаз)	17	3,9%	8	7,9%	25	4,6%
Аспирациядан кейин кистани йўқотиш билан пункция қилишга уриниш	7	1,6%	3	3,0%	10	1,8%
Жами техник қийинчиликлар	44	10,0%	48	47,5%	92	17,0%
Техник қийинчиликсиз ЭЭ	396	90,0%	53	52,5%	449	83,0%
Жами	440	100,0%	101	100,0%	541	100,0%


Гуруҳларда антисептиклар билан эхинококк суюқлигини микроскопик текшируви сколекслар морфологиясида сезиларли ўзгаришларни, айниқса ФарГАЛС антисептикли 2- ва 3-пробиркаларда кўрсатди. Дастлаб, сколекслар архитектураси буришган, деворининг шакли ва силлиқлиги эса йўқолган. 3-пробиркада сколекс деворининг бутунлиги бузилган ва ички қўшимчаларининг чиқиши қайд этилган. Ушбу ўзгаришлар 5 дақиқадан кейин ва айниқса 15 дақиқадан кейин ортди (2, 3, 5-расм). Иккинчи ҳолатда, сколекс девори букланган, бир – бирига қўшилган ва бутунлай парчаланиб кетган, ички суюқлиги ва бирикмалари эса ташқарига чиққан. Шунга ўхшаш ўзгаришлар 70% этанол эритмасида, асосан 15 дақиқадан кейин кузатилди (4, 6-расм).

Ушбу омиллар морфологик тадқиқот натижалари билан биргаликда жигар ЭЭсини амалга оширишнинг кўрсаткичлари ва тактик-техник жиҳатларини мақбуллаштириш имконини беради. Олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, биз жигар ЭЭсига хирургик ёндашувларни визуал назорат қилиш имконияти тамойилларига кўра икки гуруҳга бўлди. Биринчи гуруҳ-ташхиснинг нур усуллари назорати остида амалга ошириладиган пункцион-дренажловчи аралашувлар; иккинчиси-лапароскопик ва анъанавий


ЭЭ, бунда бевосита визуализация қилиш имконияти мавжуд ва қолдик бўшлиққа ишлов бериш турлари доираси сезиларли даражада кенгайтирилади.




2-расм. Эхинококкнинг асл суюқлигида сколекслар. Назорат гуруҳи. 15 дақиқа.



3-расм. Сколекс қобиғи асл эхинококк суюқлигида ФарГАЛС таъсирида букилади ва парчаланеди. 15 дақиқа.




4-расм. 70% этанол таъсири остида парчаланган сколекс қобиғи ва ички кўшимчалар. 15 дақиқа. 10x20



5-расм. Архитектоникаси ўзгарган хитин қобиқ. ФарГАЛС эритмаси таъсири. 10 дақиқадан сўнг.



6-расм. Архитектоникаси сақланган хитин қобиқ ва гуруҳланган протосколекслар. 70% этанол эритмаси таъсири. 10 дақиқадан сўнг. Г-Э.20x10



7-расм. Хитин қобиқ юза қавати тузилмасининг ўзгариши. 5% йоднинг спиртли эритмаси. 10 дақиқадан сўнг. Г-Э.20x10

